

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSC 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ»
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

РЎЗИБОЕВ СОБИР БОЙМИРЗАЕВИЧ

**ЛАЛМИ ХУДУДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЕР
ВА ЭКИН ТУРЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ (ҚАШҚАДАРЁ
ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on technical sciences**

Рўзибоев Собир Боймирзаевич

Лалми худудлардан фойдаланишни ташкил этишда ер ва экин турларини оптималлаштириш (Қашқадарё вилояти мисолида) 3

Рузибоев Собир Боймирзаевич

Оптимизация земельных угодий и культур при организации использования богарных зон (на примере Кашкадарьинской области) 21

Ruziboev Sobir Baymirzaevich

Optimization of land types and crops in the organization of the use of rain-fed regions (in case of Kashkadarya region)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSC 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ»
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

РЎЗИБОЕВ СОБИР БОЙМИРЗАЕВИЧ

**ЛАЛМИ ХУДУДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЕР
ВА ЭКИН ТУРЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ (ҚАШҚАДАРЁ
ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

06.01.10 – Ер тузиш, кадастр ва ер мониторинги

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Г2429** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш мухандислари институти» миллий тадқиқот университетида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:	Бабажанов Абдуберган Рушмонович иқтисод фанлари номзоди, доцент
Расмий ошпонентлар:	Сафаров Ўшқобил Ўздолшович техника фанлари доктори, профессор Хамидов Файзулло Рамазоневич техника фанлари фалсафа доктори, (PhD), доцент
Етақчи ташкилот:	Қарин муҳандислик-иқтисодий институти

Диссертация ҳимояси «Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш мухандислари институти» миллий тадқиқот университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 й « 4 » 11/2022 соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтган (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниезий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-22-67, Факс: (99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiame.uz.)

Диссертация билан «Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш мухандислари институти» миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (207 рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниезий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45.

Диссертация автореферати 2022 йил « 15 » феврал куни тарқатилди.
(2022 йил « 15 » феврал даги 207 рақамли регистр баённомаси).



Т.З.Султонов

Илмий дарожадан берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.А.Гаппаров

Илмий дарожадан берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

С.А.Авезбаев

Илмий дарожадан берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлигини ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун мавжуд ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш усулларини кўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида аҳоли сонининг ўсиши натижасида киши бошига ер ресурсларининг камайиб бораётганлигини инобатга олсак, мавжуд ер ресурслари, жумладан, лалми ерлардан самарали фойдаланиш имконини берадиган тизимларни амалиётга кенг жорий этишни тақозо этади. Бу борада лалми ҳудудларда ердан оқилона фойдаланишни ташкил этиш усуллари ва ёндашувларни инобатга олган ҳолда махсус ер тузиш ишларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг, хусусан, лалми ерлардан экин майдонларини ташкил этган ҳолда улардан юқори даражада фойдаланиш имконини берадиган янги илмий техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда мавжуд лалми ҳудудларни жойлашиш минтақалари ва улардаги табиий-иқтисодий шароитларини, рельефи ва жой нишаблигининг кўринишларини инобатга олган ҳолда ҳар бир ер участкасидан самарали фойдаланиш усулларини такомиллаштириш, махсус ер тузиш лойиҳалари орқали ер ва экин турларини ҳар бир минтақага мос оптималлаштириш имконини берадиган геотизим мажмуаларини яратиш, лалми ерлардан самарали фойдаланиш, маҳсулдорлигини ошириш имконини берадиган технологияларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада лалми ҳудудлар учун ишланадиган ер тузиш лойиҳаларида ер ва экин турларини оптималлаштириш, улар самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Республикамизда қишлоқ хўжалигида лалми ерлардан фойдаланишни тўғри ташкил қилиш, мамлакатимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини ва ерлардан самарали фойдаланишга бўлган муносабатини, ердан фойдаланиш маданиятини ўзгартириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «.....қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини яна мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш...» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, қишлоқ хўжалигида лалми ҳудудлардан фойдаланиш бўйича мавжуд усулларни танқидий таҳлил қилиш ва баҳо бериш орқали, фойдаланишга тортиладиган лалми ҳудудларда ер ва экин турларини оптималлаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318-сон «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари

фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2021 йил 24 февралдаги ПҚ-5006-сон «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз иқтисодиёт тармоқларини ер ресурсларига бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бораётган бугунги кунда лалми ерлардан фойдаланишни оқилона ташкил этиш, хусусан, қишлоқ хўжалигида лалми ерлардан фойдаланишнинг мавжуд усулларида фойдаланишни етарлича йўлга қўйиш асосида ер ва экин турлари нисбатларини оптималлаштириш бўйича илмий тавсиялар яратиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Лалми ерлардан фойдаланишни ташкил этиш бўйича хорижий давлатлар ва республикамизнинг бир қатор олимлари Д.С.Булгаков., И.А.Дубровина., В.Медведев., А.А.Шпедт., Б.С.Укенов., Т.С.Мюллер., I.A.Nalder., S.Westarp., Z.Bai., J.K.Sayers., А.З.Генусов., Б.В.Горбунов., Б.В.Кимберг., А.М.Расулов., Х.М.Махсудов., Л.Турсунов., И.Т.Турапов., Ў.Тожиев., Р.Қ.Қўзиев., Г.А.Талипов., Х.И.Шукурлаев., О.Э.Хакбердиев., Л.А.Гафурова., Н.Ю.Абдурахмонов., М.Ф.Фахрутдинова., Г.М.Набиева., Г.Т.Джалилова., Н.И.Шадиева ва бошқа кўплаб олимлар ўзларининг олиб борган изланишлари асосида лалми ерлардаги тупроқлар генезиси, географияси, экологияси, эрозияси, биологик фаоллиги, айрим агрохимёвий ва агрофизикавий хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни очиқ боришган. Шу билан бирга суғориладиган ерларда хўжалик ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан ҳам республикамиз олимларидан А.А.Авезбаев., А.Т.Абдураззақов., А.Р.Бабажанов., Қ.Р.Рахмонов., В.П.Кайгородовлар иш олиб боришган. Лекин, лалми ерлардан деҳқончиликда фойдаланиш натижасида ўзгариши, уларга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда унумдорлик даражасини аниқлаш ва баҳолаш, шу асосда ишлаб чиқиладиган ер тузиш лойиҳаларида ер ва экин турларини ҳамда улар майдонларини оптималлаштириш бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг № 2.4 «Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш услубларини такомиллаштириш асослари» (2016-2020 йй.) мавзусидаги топшириғи доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Лалми ҳудудлардан фойдаланишни ташкил этишда ер ва экин турларини оптималлаштириш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лалми минтақалардан самарали фойдаланиш бўйича хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш;

жойлашган минтақаларига қараб лалми қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни ташкил этишга йўналтирилган хўжалик ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

ҳудуднинг табиий шароитларидан келиб чиққан ҳолда ер ва экин турлари майдонлари ўлчамларини оптималлаштириш ва жойлаштириш;

замонавий технологиялар асосида лалми ҳудудлардан фойдаланишни ташкил этишни такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилояти ҳудудидаги лалми ерлар ва лалми ерларда фаолият юритаётган ердан фойдаланувчилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети лалми ҳудудларда ер турлари, ер тузиш лойиҳалари, ер участкалари ва экинларни жойлаштириш усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида дала ишлари иқтисодий-статистик таҳлил, иқтисодий – математик, қиёсий таҳлил, кескин рельефда ўртача ишчи нишабликларни аниқлаш учун параллел чизиқли палетка усули ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

лалми ҳудудларда экинларни жойлаштириш усуллари лалми ерларнинг ҳаво ҳарорати, ёғингарчилик миқдори ва дала рельефи тузилишига мос келувчи экинларни танлаш асосида такомиллаштирилган;

катта нишабликларда лалми ерлардан фойдаланиш усули тоғ минтақасида жойлашган лалми ҳудудларни аниқлаш учун геоахборот технологияларини қўллаб, дарахтзорларни (пистазорлар) яратиш орқали такомиллаштирилган;

лалми ҳудудларда ер тузишни лойиҳалаш усули ер турлари таркибини белгилаш асосида жойнинг рельефи, далаларнинг ўлчами, экинларни алмашлаб экиш схемасини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

лалми ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ер турларининг трансформацияси массивлар бўйича ерларнинг табиий унумдорлиги, ёғингарчилик миқдори, табиий намлик даражаси ва экинларнинг жойлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

республикамизнинг лалми экин майдонларидан фойдаланишни бугунги бозор иқтисодиёти шароитига мос ташкил этишга таъсир этувчи омиллар мажмуаси ҳар томонлама ўрганилган ва баҳоланган;

замонавий технологиялар ва хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш ҳамда умумлаштириш негизида лалми экин майдонларида полиз экинларини етиштиришда янтоқпайванд усулини қўллаш, нишаблиги юқори бўлган

худудларда пистазор плантацияларини яратиш бундай майдонлар самарадорлигини тубдан ошириши ҳамда юз бериши мумкин бўладиган тупроқ эрозияси жараёнларини олдини олиши асосланган;

жойнинг шарт-шароитларига қараб лалми ерлардан фойдаланишни оқилона ташкил этишга имкон берадиган ер ва экин турлари майдонларини оптималлаштириш бўйича махсус экспериментал хўжаликда ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш усули таклиф этилган;

экспериментал хўжалик ер тузиш лойиҳалари тадқиқот объектида синовдан ўтказилиб ер ва экин турлари майдонларининг оптималлиги бўйича миқдорий кўрсаткичлар аниқлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қумитаси хузуридаги Кадастр Агентлиги (собик «Давергеодезкадастр» қўмитаси) ҳамда унинг вилоят бошқармасидан, туман ҳудудий хизмати маълумотларидан, вилоят статистика бошқармаси маълумотларидан, шунингдек, «Ўздаверлойиҳа» илмий-лойиҳалаш институти материалларидан фойдаланилганлиги, уларни қайта ишлашда умумий қабул қилинган тадқиқотлар усуллари қўлланилганлиги, мазкур тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифларнинг натижалари билан мослиги ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда олинган асосий натижалар ва хулосалардан лалми экин майдонларидан фойдаланишни ташкил этишда қишлоқ хўжалиги ер ва экин турлари майдонларини оптималлаштиришга оид ички ер тузиш лойиҳаларини яратиш усуллари такомиллаштирилганлиги, бундай худудларда полизчилик ва боғдорчиликни ривожлантиришда ноанъанавий ёндашувларни қўллашнинг илмий асосларини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот ишларининг амалий аҳамияти лалми худудларда ер ва экин турларини оптимал жойлаштириш ҳисобига ер тузиш лойиҳалари сифатини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Лалми худудлардан фойдаланишни ташкил этишда ер ва экин турларини оптималлаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

лалми ерларнинг иқлим шароитларига мос равишда экинларни жойлаштириш усули Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани Қишлоқ хўжалиги бўлимига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 31августдаги 02/022-3608-сон маълумотномаси). Натижада лалми ер майдонларида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ошишига эришилган;

тоғ минтақасида жойлашган лалми ерларда дарахтзорларни (пистазорлар) яратиш орқали катта нишабликларда сув эрозиясини олдини олиш ва лалми ерлардан фойдаланиш услуги Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани Қишлоқ хўжалиги бўлимига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ

хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 31 августдаги 02/022-3608-сон маълумотномаси). Натижада ҳудуддаги лалми ер майдонларида сув эрозиясига учраш таъсирини 50% га камайтириш имконияти яратилган;

лалми ҳудудларда ер тузиш лойиҳаси ва алмашлаб экиш тизими Қашқадарё вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармасига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 31 августдаги 02/022-3608-сон маълумотномаси). Натижада қишлоқ хўжалиги экинларининг хусусиятларига қараб лалми ерлар участкаларини тўғри танлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур ишнинг тадқиқот натижалари 1 халқаро ва 5 республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 мақола, жумладан, 10 республика ва 2 хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалий натижалари қайд қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этиш рўйхати келтирилган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Лалми ерлар ҳудудини ташкил этишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида лалми ҳудудлардан самарали фойдаланишни ташкил этишнинг жаҳон тажрибаси, лалми ҳудудларнинг турлари ва объектнинг географик ўрни ва ҳудуд тўғрисидаги умумий маълумотлар таҳлил қилинган. Кейинги 80 йилда Ўзбекистонда лалми ерлардан фойдаланишда катта ўзгаришлар юз берган. Тадқиқотчилар берган маълумотларга қараганда, 1940 йилда Ўзбекистондаги лалми ерлар майдони 1466,0 минг га, 1970 йилга келиб эса 1094,5 минг га ташкил этган. 1990 йиллардан бошлаб лалми ерларнинг майдони қисқара бошлаган ва бугунги кунга келиб 757,6 минг га ташкил этган. Лалми ерлар катта майдонларини қисқариши ўтган асрнинг 60-80 йилларида Мирзачўл, Жиззах ва Қарши чўллариининг ўзлаштирилиши ва бу ҳудудларда суғориладиган деҳқончилик тизимини ривожланишига боғлиқ бўлса, 400 минг га яқин лалми ерлар рентабеллиги жуда паст бўлганлиги, маҳсулдорлигини пасайиб кетганлиги сабабли яйловларга ўтказилган. Бунинг асосий сабабларидан бири, лалми экин

майдонларига асосан битта, донли экинларни экилиши ва бу ҳолатни бугунги кунда ҳам давом этаётганлигидир. Олинган расмий маълумотлардан кўринадики, охириги 20 йил ичида ушбу экинларнинг улуши 85-95% ташкил этган. Бир хил экинни йиллар давомида сурункали экилиши лалми ерларда тарқалган тупроқлар унумдорлигини ёмонлашувига ва ҳосилдорликни пасайишига олиб келган. С.Абдуллаев ва Л.А. Ғофуроваларнинг ҳисоб-китобларига кўра лалми ерларнинг ҳайдалма қатламидаги гумуснинг миқдори 50 йил мобайнида (1960 йилдан 2010 йилгача) 57% камайган.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган ўсиб бораётган талабларини қондиришда суғориладиган экин ерлари билан бир қаторда лалми экин майдонларидан фойдаланиш даражасини тубдан ошириш, бундай ҳудудлардан фойдаланиш тарихий тажрибалари ва инновацион ёндашувлар асосида лалми экинзорлар самарадорлигини ошириш, бундай ҳудудларга йирик ҳажмлардаги инвестицияларни жалб қилган ҳолда интенсив технологияларга асосланган мевали боғ ва узумзорлар, ёнғоқзорлар, пистабодомзорлар ташкил этиш бундай ҳудудлар учун қурғоқчиликка чидамли донли, дуккакли ва мойли экинлар навларини танлаш ва районлаштириш, лалмикор деҳқончиликда илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этиш, ушбу ҳудудларнинг табиий жойлашиши минтақалари бўйича ер ва экин турларини оптималлаштириш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарур. Лалми ерлар текислик, қир-адир, тоғ олди ва баланд тоғ минтақаларидаги суғорилмай деҳқончилик қилинадиган ерлардир. Уларни тарқалганлиги ҳудудларни денгиз сатҳидан баландлиги билан ўзвий боғлиқдир. Шундай экан, истиқболда ҳам лалми ерлардан фойдаланишни ташкил этишда, ер ва экин турлари нисбатларини оптималлаштиришда минтақаларнинг у билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳудудни денгиз сатҳидан баландлиги бўйича тарқалган тупроқ турлари каби хусусиятларни эътиборга олиш муҳим амалий ва илмий аҳамиятга эга бўлади. Берилган маълумотларга қараганда, дунё бўйича умумий ҳайдалма ерлар майдони 1600 млн. гектарни ташкил этадиган бўлса, ушбу майдонларнинг 80% лалми ерлар ташкил этади. Лалми ерларда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдори жами қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 60% ташкил этмоқда. Лалми ер майдонларидан юқори самарадорлик билан фойдаланиш асосан мўътадил иқлим шароитига эга бўлган Шимолий Америка мамлакатларида ҳамда суғорилмайдиган деҳқончилик тизимига асосланган субтропик ва намлик юқори бўлган тропик давлатларда кузатилади.

Лалми ерлардан фойдаланиш бўйича илмий манбааларни ўрганиш шундан гувоҳлик берадики, бугунги кунда лалмикор ерлар асосан Афғонистон, Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Муғулистон, Судан, Туркия, Россиянинг Кавказ орти республикаларида, АҚШда, Марказий Осиё давлатларида кенг тарқалган бўлиб, айнан ушбу мамлакатларда лалми ерлардан фойдаланишни ташкил этиш бўйича қатор тажрибалар тўпланган. Ушбу тажрибалар билан танишиш ва мамлакатимиздаги мавжуд лалми ерлардан фойдаланишни ташкил этиш амалиётига мослаш бўйича тавсиялар бериш ҳозирги кунда жуда муҳимдир.

Хорижий тажрибаларни ўрганиш бўйича олиб борилган назарий тадқиқотлар натижалари лалми ерлар маҳсулдорлиги наинки тупроқ ва табиий намликка, балки бу ерда қўлланиладиган технологияларни жисмоний ва молиявий имкониятларига ва ишлаб чиқариш воситаларига ҳам бевосита боғлиқдир. Жумладан, лалмикор деҳқончиликда баъзи мамлакатларда жўхоридан гектарига 2-3,0 тонна ҳосил олинади, Европа мамлакатларидаги лалми ерлардан гектарига 7,0-10,0 тонна буғдой олишга эришилмоқда. Кўпгина Африка давлатларида ўтган асрнинг 60-йилларидан буён лалми ерлардан олинаётган маккажўхори ҳосили ўзгармасдан 10 ц/га атрофида бўлиб қолмоқда, Лотин Америкаси, Кариб бассейни давлатларида ушбу давр мобайнида экиннинг ҳосилдорлиги олдинги (ўтган асрнинг 70 йиллари) 10 ц/га ўрнига 3 марта ошди ва 30 ц/га ни ташкил этди.

Диссертациянинг «Қашқадарё вилоятида лалми худудлардан фойдаланишни ташкил этилишининг мавжуд ҳолати» деб номланган иккинчи бобида Қашқадарё вилоятида лалми ерлар ва улардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, ер тузиш тадбирларини ишлаб чиқиш орқали ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари ёритилган.

Таҳлиллар кўрсатадики, вилоятнинг текислик, қир-адир, тоғолди ва тоғли худудларида тарқалган лалми худудлардан фойдаланишдаги асосий салбий омиллар - мураккаб рельеф тузилиши, нотўғри шудгорлаш ва ҳайдаш, лалми худудларда алмашлаб экиш схемалари ва экин турларини нисбатлари бўйича тадбирлар комплексининг ўз вақтида ва етарлича қўлланилмаслиги ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш шуни кўрсатадики, вилоятдаги фойдаланилаётган қишлоқ хўжалиги ерларининг 258,7 минг га лалми экин ерлари ташкил этади. Лалми минтақа иқлимининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, минтақадаги ёғингарчилик асосан кучли жала кўринишида бўлиб, у тупроқни маҳкамлаб ер юзидаги экинларни ўсишига катта тўсиқ бўлади.

Ёғингарчиликни асосан кузги-қишки ва эрта баҳорги даврларда юз бериши ва жуда паст вегетация ҳароратида қатор экинларни ўсиш имкониятини пастлиги лалмикор деҳқончиликнинг асосий хусусиятини ўзида намоён қилади. М.В. Четыркин қайд қиладики, «Ҳар қандай суғорилмайдиган деҳқончилик ҳам лалми деҳқончилик бўлавермайди. Лалми деҳқончилик—бу шундай суғорилмайдиган деҳқончиликки, бунда асосан биологик жихатдан кузги ёки шунга яқинроқ, асосан кузда ва эрта баҳорда экиладиган, қишда ва баҳорда вегетацияга тортиладиган, катта намгарчилик ва паст вегетацион ҳароратга чидаш бера оладиган деҳқончиликдир».


Маълумки, лалми деҳқончилик вилоятда, унинг асосий маъмурий туманларида маълум даражада ривожланган. Хусусан, тадқиқотга тортилган Яккабоғ тумани қишлоқ хўжалигида суғориладиган деҳқончилик билан бир қаторда лалми деҳқончилик ҳам мавжудки, худуддаги жами ер майдонларининг 67,3% лалми ерлар, жами экин майдонларининг 40,8% эса лалми экин ерлари ташкил этади.

Вилоят жами лалми ерлари минтақалар бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирилган ҳолда қуйидаги 1-жадвал асосида таҳлил қилинди.

1-жадвал
Қашқадарё вилояти лалми ерларини минтақалар бўйича тақсимланиши (01.01.2020. га)

Т.р	Минтақалар	Жами майдони, минг га	Шундан		
			Лалми экин ерлари, минг га	Лалми дарахтзорлар, минг га	Бошқа ерлар, минг га
1	Тоғли	1053,77	12,98	0,19	1040,6
2	Тоғ олди	564,98	85,37	1,01	478,6
3	Қир-адир	483,74	129,35	0,59	353,8
4	Текислик	239,62	31,0	0,42	208,2
	Вилоят бўйича жами	2342,1	258,7	2,2	2081,2

Умуман, ўтган асрнинг 60-80 йилларда ёппасига ерларни ўзлаштириш ва суғориш ишларини вилоятда ҳам катта ҳажмларда амалга оширилиши, кўп сонли трансформациялар натижасида лалми экин ерларнинг майдонида ва улардан фойдаланиш даражасида катта ўзгаришлар юз берган (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикаси ва Қашқадарё вилояти бўйича кейинги 50 йил ичида (1970-2019 йй) лалми майдонларини ўзгариш динамикаси

Маълумки, лалмикор деҳқончиликнинг асосий экини ғалла ҳисобланади. Ғалла ҳосилдорлиги ва табиий намлик миқдори ўртасидаги боғлиқликни янада чуқурроқ ўрганиш ва илмий асосланган хулосалар бериш мақсадида тегишли маълумотлар математик статистика усуллари ёрдамида таҳлил қилинди ва қуйидаги натижалар олинди:

Корреляция коэффиценти $r = 0,65$ га тенг. Демак ғалла ҳосилдорлиги ва табиий намлик миқдори ўртасидаги боғлиқлик жуда юқори.

1. Детерминация коэффиценти $D=0,42$ га тенг. Демак ғалла ҳосилдорлигининг ўзгариши 42,25% табиий намлик миқдорига ва 57,75% бошқа омилларга боғлиқ.

2. Қуйидаги регрессия тенгламаси олинди (1 – формула):

$$X = -7,29 + 0,075Y; \quad (1)$$

бунда: X – ғалла ҳосилдорлиги, Y – табиий намлик миқдори.


Регрессия тенгламасининг таҳлили шуни кўрсатадики, ёғингарчилик ўртача миқдорининг 1 мм га кўпайиши ғалла ҳосилдорлигини 0,075 ц/га ошишига олиб келади.

Диссертациянинг «**Лалми худудларда ер ва экин турларини ички хўжалик ер тузиш лойиҳалари асосида оптималлаштириш**» деб номланган учинчи бобида маълум объектлар бўйича инновацион ёндошувлар асосида ички ер тузиш лойиҳаси ишлаб чиқилди, техник иқтисодий асосланди. Бунда танлаб олинган массивларнинг лалми ерларида бундай лойиҳаларнинг алмашлаб экиш массивлари ва кўп йиллик дарахтзорларни жойлаштириш каби таркибий қисмлари, ўз навбатида, ихота дарахтзорларини лойиҳалаш каби лалми худудлардан фойдаланишни ташкил этишда алоҳида хусусиятга эга элементларини лойиҳалаш ишлари бажарилди.

Лалми ерлар учун ишланадиган ер тузиш лойиҳаси суғориладиган худудларлардан фарқ қилади, бу ишлаб чиқариш бўлимлари ва хўжалик марказларини, йўл тармоқларини жойлаштиришда, қишлоқ хўжалик ер турлари ва алмашлаб экишларни ташкил этишда, айниқса алмашлаб экиш худудини ташкил этишда яққол намоён бўлади.

Баландлик минтақаларнинг табиий шароитлардаги фарқланиши, ўз навбатида, бу худудларда агротехник ишларнинг, экинлар таркибини белгилашнинг ва ишлаб чиқариш йўналишининг кескин фарқланишини изоҳлайди. Бундан ташқари, ер тузиш лойиҳаларини ишлаш усуллари, унинг таркибий қисмлари ва элементларига рельеф ва айниқса тоғ олди ва тоғли худудларда эрозияга хавфлилик даражалари ҳам таъсир кўрсатади. Бунда далаларни жойлаштиришга ва худудни ички ташкил этиш, сув эрозиясининг олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуасини ишлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади.

Бу хусусиятлар лалми ерларнинг денгиз сатҳига нисбатан жойлашуви баландлик амплитудаларининг хилма хиллиги ва шу билан боғлиқ ўсимликларни намлик билан таъминлашдаги ўзгарувчанлик ва бошқа шароитлар билан асосланади. Шу сабабли лалми худудда битта ердан фойдаланувчи худудида бир нечта вертикал зоналарни кўришимиз мумкин: текислик, қир-адир, тоғ олди, тоғли ва баланд тоғли (2 – расм).



2 – расм. Яккабоғ тумани ҳудудида лалми ерларнинг баландлик минтақалари кесимида жойлашуви

Бундан ташқари, ер тузиш лойиҳаларини ишлашда далаларни жойлаштиришга ва ҳудудни ички ташкил этишга, сув эрозиясининг олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуасини ишлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш талаб қилинади. Ана шундай экспериментал лойиҳа вилоятнинг Яккабоғ туманидаги лалми минтақада жойлашган «Турнабулок» массиви мисолида ишлаб чиқилди.

Қир-адир минтақасида жойлашган «Турнабулок» массиви чегарасидаги барча ерларнинг умумий майдони 6012,2 га, шу жумладан қишлоқ хўжалик ер турлари майдони 5183,0 га ёки умумий майдоннинг 86,2 % ташкил этади.

Лалми қишлоқ хўжалиги корхонаси учун тузиладиган лойиҳанинг асосий масалаларидан бири, бу – ер турлари ва алмашлаб экиш схемасини ташкил этишдир. Бу масала ҳар бир ишлаб чиқариш бўлими ва бутун хўжалик миқёсида ҳал қилинади. Ер тузиш лойиҳасида массивлар бўйича ерларнинг сифати ва табиий-иктисодий омилларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик ер турларининг трансформацияси асосида лойиҳавий майдонлари аниқланди (2 – жадвал).

**Яккабоғ тумани «Турнабулоқ» массиви бўйича лойиҳавий қишлоқ
хўжалик ер турларининг таркиби**

№	Ер тури номи	Ер тузиш йилидаги майдони, га	Лойиҳа бўйича майдони, га	Кўпайиши, га	Камайиши, га
1	Хайдалма ер	1371,0	1481,96	122,05	11,09
2	Дарахтзорлар	331,0	342,09	11,09	-
	Шу жумладан:				
	Боғлар	165,5	174,5	9,0	-
	Узумзорлар	149,0	151,09	2,09	-
	Тутзорлар	16,6	-	-	-
3	Ййлов ва ўтлоқлар	3481,0	3347,86		122,05
	Жами қишлоқ Хўжалик ер турлари	5183,0	5183,0	-	-
4	Томорқа ерлари, жами	277,0	277,0	-	-
5	Ихота дарахтлари ва терақзор	1,0	1,0	-	-
6	Қишлоқ хўжалигида фойдала-нилмайдиган бошқа ерлар	551,2	551,2	-	-
	Хўжаликка бириктирилган ерлар, жами	6012,2	6012,2	133,14	133,14

Кейинги муҳим масала, бу-алмашлаб экиш массивлари сони ва хилларини белгилашдир. «Турнабулоқ» массиви худуди туманнинг қир-адир минтақасида жойлашган бўлиб табиий хусусиятлари билан бошқа минтақалардан фарқланади. Ушбу хусусиятлар асосида лалми худудлар учун таркиби ва далалар алмашинуви мавжуд табиий ва иқтисодий шароитлардан келиб чиқиб танланади. Олиб борилган илмий ва амалий тадқиқотлар асосида лалми минтақаларда қўлланишга тавсия этилаётган дала алмашлаб экиш тизимларининг схемаларининг таркиби қуйидагича:


шудгор –донли алмашлаб экишлар: 5 далали (1:2:1:1):1 дала тоза шудгор; 2 дала донли экин; 1 дала донли экин; 1 дала тоза шудгор; 6 далали (1:2:1:2):1 дала дала тоза шудгор; 2 дала донли экин; 1 дала донли экин; 2 дала тоза шудгор; 9 далали (1:2:1:2:1:2):1 дала тоза шудгор; 2 дала донли экин; 1 дала тоза шудгор; 2 дала донли экин; 1 дала тоза шудгор ; 2 дала донли экин; Беда – донли алмашлаб экишлар: 9 далали (4:2:1:2):4 дала беда; 2 дала донли экин; 1 дала донли экин ; 2 дала тоза шудгор; 10 далали (5:2:1:2):5 дала беда; 2 дала донли экин ; 1 дала донли экин; 2 дала тоза шудгор;

Алмашлаб экиш далаларини жойлаштириш. **Алмашлаб экиш даласи** - бу алмашлаб экишнинг биринчи навбатда қишлоқ хўжалик экинларини экиш ва улар билан боғлиқ дала ишларини бажариш учун мўлжалланган бир-бирига тенг қисмларидир.

Жойнинг рельефини ҳисобга олиш. Лойиҳалашдаги асосий қоида - далаларнинг узун томонини қияликка кўндаланг қилиб жойлаштириш ҳисобланади. С.Н.Волков, С.Авезбоев ва бошқа бир қатор олимларнинг

фикрига кўра, қияликка кўндаланг ишлов берилганда қишлоқ хўжалик техникаси унумдорлиги ошади, сабаби, тиркама машиналарнинг тортиш қаршилигини енгиш учун қўшимча қувват сарфланмайди. Масалан, агар 30 гача нишабликда техниканинг унумдорлиги ва ёнилғи сарфини 1 тенг деб қабул қилсак, 70 юқори нишабликда у мос тарзда 0,84 ва 1,10 гача ўзгаради.

Контурли ишлов беришда ишчи участкалар иложи борича параллел эгри чегаралар билан ажратилган, горизонталларга максимал яқинлатилган оласалар шаклида лойиҳаланади (3-расм).



3-расм. Далалар чегараларини лойиҳалаш:

а – тўғри чизиқли; б – контурли; в – горизонталларга нисбатан бурчак остида; г – сув оқиш чизиғининг йўл қўйилиши мумкин бўлмаган узунлигида; $S_{й.к.}$ – тўғри чизиқли ишлов беришда горизонталлар орасидаги йўл қўйилиши мумкин бўлган масофа; $i_{ишчи\ й.к.}$ – йўл қўйилиши мумкин бўлган ишчи нишаблик; $L_{й.к.}$ – сув оқиш чизиғининг йўл қўйилган узунлиги. Ишчи нишаблик қуйидаги ифода билан аниқланади (2-формула):


$$i_u = \frac{h}{D}; \quad (2)$$

бунда h - рельеф нуқталари орасидаги баландликлар фарқи, м; D – нуқталар орасидаги масофа, м.

Ишчи нишаблик i_u - қиймати, одатда, фоизларда ёки градусларда кўрсатилади (3-формула):

$$i_u = \frac{i_p\%}{1,75}; \quad i_p\% = 1,75 \cdot i_u \quad (3)$$

Бу ифодадан мураккаб бўлмаган тўғри қияликлардаги ҳисоблашларда фойдаланилади. Кескин рельефда ўртача ишчи нишабликларни аниқлаш учун профессор Г.В.Чешихин таклиф этган усул бўйича параллел чизиқли палеткадан фойдаланилади (4-расм).



4-расм. Ўртача ишчи нишабликни аниқлаш. 1,2,3 - палетка чизиқлари; 0,4; 0,6 ва ш.ў. - тўла эмас оралиқлар; x - палетка чизиқларидаги тўла оралиқлар.

Юқорида келтирилган талаблар асосида лойиҳаланган алмашлаб экиш далаларининг тавсифи 3–жадвалда (фрагмент) келтирилган

3-жадвал

Турнабулоқ массивидаги битта алмашлаб экиш далаларининг майдони бўйича тавсифи (фрагмент)

Алмашлаб экиш даласи №	Алмашлаб экиш даласи майдони, га	Алмашлаб экиш массиви бўйича даланинг ўртача майдони, га	Ўртача майдондан фарқи	
			га	%
1-алмашлаб экиш массиви схема 1:2:1:1				
I	90,9	87.96	2,94	3,3
II	99,2		11,24	12,8
III	88,2		0,24	0,3
IV	72,6		-15,36	17,4
V	87,1		-0,86	0,9
жами	439.8			

Лалми худудлар ички ер тузиш лойиҳаларида ихота дарахтлари полосаларини жойлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эгади. Ихота дарахтлари полосалари билан ҳимояланган майдонларда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги кўтарилади. Ҳимояланган минтақадаги ҳосилдорликнинг ошиши озиқ-овқат ва техник экинлар бўйича 25-30%, сабзавотлар ва озуқа экинларининг яшил массаси бўйича 35-40% етади деб ҳисоблаш қабул қилинган.

Ихота дарахтлари полосалари ҳимоялайдиган майдон P қуйидаги ифода бўйича аниқланади (4 – формула):

$$P = L_1 C_1 + L_2 C_2 - C_1 C_{2n}; \quad (4)$$

бунда: $L_1 L_2$ – мос тарзда барча бўйлама ва кўндаланг ўрмон полосаларининг умумий узунлиги, м; $C_1 C_2$ – мос тарзда бўйлама ва кўндаланг

ўрмон полосаларининг ҳимоя таъсири полосалари кенглиги, м; n - полосалар орасидаги участкаларнинг умумий сони.

C_1 ва C_2 қийматлари қуйидаги ифода бўйича ҳисобланади (5 – формула):

$$C_{1,2} = NK_{ип} \cdot K_{\alpha}; \quad (5)$$

бунда: N - ихота дарахтлари полосаларининг ўртача баландлиги (10 – 15 м); $K_{ип}$ – ихота дарахтлари полосаси ҳимоя таъсирининг карралиги (25-30); K_{α} – шамол йўналиши ва ихота полосаси ташкил этадиган бурчакларнинг тўртта жуфт йўналишлари бўйича шамоллар такрорланишига боғлиқ ҳимоя таъсирининг ўртача коэффиценти (6 – формула).

$$K_{\alpha} = \frac{\sum K_{\alpha i} f_i}{100}; \quad (6)$$

бунда: $K_{\alpha i}$ – шамолнинг ихота полосасига урилиш бурчагига боғлиқ ҳимоя таъсири коэффиценти f_i – тўртта жуфт йўналишлар бўйича шамоллар такрорланиши, %. $K_{\alpha i}$ қиймати қуйидагидек қабул қилинади: 90° учун - 1,0; 80°- 0,98; 70°- 0,94; 60°- 0,87; 50°- 0,77; 45°- 0,71; 40°- 0,64; 30°- 0,50; 20°- 0,35; 10°- 0,20; 0°- 0,05.

Лалми минтақалар учун ишланадиган ер тузиш лойихаларига инновацион ёндашув катта амалий аҳамият касб этади. Тадқиқот ишида бундай ёндошув сифатида тоғ олди ва паст тоғ олди минтақалари ландшафтини тиклашда ғоятда қурғоқчил шароитда униб чиқиши ва мева бериш хусусиятига эга бўлган, истикболда иқтисодий жихатдан катта самара келтирадиган хандон писта дарахтининг кўчатларини экиш, яъни шундай кўп йиллик дарахтзорлар барпо этиш тавсия этилади.

Сим тўсиқ атрофига экилган наъматак эса 20-25 йил давомида мева бериши баробарида қўшимча даромад манбаи бўлиб ҳисобланади. Ушбу усулдан тоғ олди минтақасида жойлашган массиви ҳудудини ташкил этишда фойдаланиш тавсия этилади (4-жадвал).

4-жадвал

Турнабулоқ массивидаги лойиха бўйича етиштирилиши кутилаётган писта ва наъматак маҳсулотлари курсаткичлари

№	Дарахтлар навлари	Майдони, га	Кўчат сони	Хосилдорлик, ц/га	Ялпи ҳосил, т	1 тонна маҳсулот нархи, млн сўм	Умумий қиймати, млн.сўм
1	Писта	373,2	77626	20	746,5	80	59,720
2	Наъматак	6,68	3340	4	2,67	15	40,05
	Жами	379,9					59760,05

*Муаллиф томонидан тузилган

Худудни ташкил этиш таркибини оптималлаштиришни техник-иқтисодий асослаш. Лалми худудни ташкил этиш таркибини оптималлаштириш билан боғлиқ хўжалик ер тузиш лойихаларини техник иқтисодий асослаш жуда муҳим жараён ҳисобланади.

Бунда фойданинг ўсганлиги ҳақидаги маълумотлар фермер хўжалигида кузги буғдойни ноллик технологияни қўллаган холда етиштириш иқтисодий жихатдан фойдалироқ эканлигини кўрсатмоқда (5-жадвал).

**1 гектар ер майдонида кузги буғдой етиштириш технологияларини
иқтисодий баҳолаш кўрсаткичлари**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Технологиялар	
			анъанавий	ноллик
1	Ҳосилдорлик	ц/га	10,0	15,0
2	Ишлаб чиқариш хажми	т	1,0	1,5
Ишлаб чиқариш харажатлари				
3	Мехнат харажатлари		140000,0	140000,0
4	Уруғ	Сўм	110110,0	110110,0
5	Минерал уғитлар	Сўм	27198,3	27198,3
6	Ўсимликларни ҳимоя қилиш харажатлари	Сўм	8153,6	16307,2
7	Эксплуатация харажатлар	Сўм	180000,0	115000,0
8	Ёқилги харажатлари	Сўм	177190,4	77978,9
9	Бошқа харажатлар	Сўм	3600,0	2300,0
10	Жами харажатлар	Сўм	646252,3	488894,4
11	Махсулот қиймати	Сўм	447260,0	670890,0
12	Фойда	Сўм	-48992,3	331995,6
13	Иқтисодий самара	Сўм		380987,8
14	Рентабеллик	%	-7,6	67,9
Қўшимча кўрсаткичлар				
15	1 га учун мехнат харажатлари	киши/кун	1,7	1,23
		Сўм	29240	20292
16	1 га учун мехнат харажатлари	киши/соат	0,24	0,18
17	1 ц учун мехнат харажатлари	киши/соат	0,023	0,011
18	Мехнат унумдорлиги	сўм/киши-соат	107,1	231,4
19	Ёқилги сарфи	л/га	84	37
20	Қопланиш муддати	Йил		5,03

*Муаллиф томонидан тузилган

Ер тузиш лойиҳасининг иқтисодий самарадорлик натижалари 6-жадвалда келтирилган.

Лойиҳанинг иқтисодий самарадорлик натижалари

№	Кўрсаткичлар	Микдори ва қиймати
1	1 туп дарахтнинг ҳосили, кг	1,7
2	1 гектардан олинадиган ҳосил, кг	286
3	1 кг хандон писта мевасининг нархи, сўм	30000
4	1 гектардан олинадиган даромад, сўм	8 580 000
5	Пистазорлар ҳосилга киргунча қилинадиган жами харажатлар, сўм	2 200 000
6	Соф фойда, сўм	6 380 000

*Муаллиф томонидан тузилган

5 ва 6 – жадваллардан кўринадигани, лойиҳа бўйича бир гектар ер майдонида кузги буғдой етиштиришда рентабеллик 67,9 % ни ташкил этган. Лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги 6380000 сўм соф даромад олиш имконияти яратилди.

ХУЛОСАЛАР

Диссертация мавзуси бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Лалми экин ерларидан фойдаланишни самарали ташкил этиш тизимида ер тузиш лойиҳаларининг ўрни алоҳида эканлигини эътироф этган ҳолда бундай лойиҳаларни экспериментал тарзда ишлаб чиқиш, ушбу лойиҳаларда ҳудуднинг барча хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалик экинлари ва дарахтлар учун лалми ерлар участкаларини тўғри танлаш, ҳудуднинг рельеф, нишаблик экспозициясини, экинларнинг биологик хусусиятларини, маҳсулотлар етиштиришнинг технологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш мақсадга мувофиқлиги асосланди.

2. Таҳлилларга кўра, вилоят бўйича мавжуд лалми экин ерларининг 34,7% турли сабаблар билан фойдаланишга тортилмаган, фойдаланилаётган лалми экин майдонларининг самарадорлиги ҳам талабга жавоб бермайди, етиштирилаётган донли экинлар ҳосилдорлиги ҳам 6,0-8.0 ц/га ошмайди.

3. Лалми минтақада тарқалган тупроқлар бонитировкаси натижалари шуни кўрсатадики, асосий ҳудудларда тупроқлар бонитети 21-48 баллни ташкил этади. Бундай шароитда лалми деҳқончиликни ривожлантириш учун ҳудудларни ташкил этишнинг ноанъанавий усуллари кўллаш, ер тузиш лойиҳаларида ер ва экин турлари майдонларини оптималлаштириш таклиф этилади.

4. Лалми ерлар ҳудудини оқилона ва самарали ташкил этишга йўналтирилган ер тузиш лойиҳалари асосида истиқболда бундай ерларда максимум қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, фойдаланилмай турган ерларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига киритиш, ушбу ерларда фаолият олиб бораётган фермер хўжаликлари даромадларини тубдан ошириш учун имконият яратади.

5. Лалми ҳудудлар учун ишланадиган ер тузиш лойиҳаларини техник-иктисодий асослаш жараёнида ғалла ҳосилдорлиги ва унга таъсир кўрсатувчи турли омиллар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш асосида корреляция коэффиценти $r = 0,65$ детерминация коэффиценти $D = 0,42$ га тенг регрессия тенгламаси олинди ҳамда ғалла ҳосилдорлиги кўрсаткичининг ўзгариши 42.25% табиий намлик миқдорига ва 57,75% бошқа омилларга боғлиқлиги исботланди.

6. Лалми ҳудудлардан фойдаланишни оқилона ташкил этиш ҳамда ер ва экин турлари майдонларини оптималлаштиришга йўналтирилган экспериментал ер тузиш лойиҳаларида, юқори нишабликдаги ҳудуддаги участкаларида писта ва бодом, пастки қисмларида эса мойли ва буғдой-ем-хашак экинларини жойлаштириш яхши самара бериши асосланди.

7. Ер тузиш лойиҳаларининг техник-иктисодий кўрсаткичлари, лалми ҳудудда ердан фойдаланиш коэффицентини 0,46 дан 0,72 гача кўтариш, тумандаги лалми экинлар майдонини 26-28%, дарахтзорлар майдонини эса 42-44% гача ошириш мумкинлигини кўрсатди

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03.30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ «ТАШКЕНТСКИЙ
ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ
«ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

РУЗИБОВ СОБИР БОЙМИРЗАЕВИЧ

**ОПТИМИЗАЦИЯ ЗЕМЕЛЬНЫХ УГОДИЙ И КУЛЬТУР ПРИ
ОРГАНИЗАЦИИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ БОГАРНЫХ ЗОН (НА
ПРИМЕРЕ КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ)**

06.01.10 – Землеустройство, кадастр и мониторинг земель

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.3.PhD/T2429.

Диссертация выполнена в Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства»

Автореферат диссертации написан на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tiime.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Бабажанов Аллаберган Рузимович кандидат экономических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Сафаров Эшқобил Йўлдашев доктор технических наук, профессор Хамидов Файзулло Рамазанович доктор философии технических наук, (PhD), доцент
Ведущая организация:	Каршинский инженерно-экономический институт

Защита диссертация состоится « 4 » март 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03.30.12.2019.T.10.02 при Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства». (Адрес: 100000, г. Ташкент, улица Кары-Ниязи 39, тел. (99871) 237-22-67; Факс: (99871) 237-54-79; e-mail: admin@tiime.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального исследовательского университета «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (регистрационный номер № 204). (Адрес: 100000, Ташкент, улица Кары Ниязи 39. Тел. (99871) 237-19-45).

Автореферат диссертации разослан « 15 » февраля 2022 года.
(реестр протокол рассылки № 204 от « 15 » февраль 2022 года).



Султонов Т.З.

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Гаппаров Ф.А.

Учлен секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент


Авезбаев С.
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, э.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В целях обеспечения продовольственной безопасности и экономической стабильности в мире вопросы применения современных подходов по эффективности использования имеющихся земельных ресурсов занимают ведущее место. Внедрение этих проблем в глобальном масштабе в число наиболее актуальных и серьезных угроз для мирового сообщества, а также совершенствование системы доступа к имеющимся ресурсам и внедрение их в практику приобретает особое значение. В связи с этим особое внимание уделяется эффективному использованию земель в развитых зарубежных странах, соответствующих природно-климатическим условиям Республики, выполнению специальных землеустроительных работ с учетом методов и подходов к рациональной организации богарных зон. В связи с этим вопросы разработки механизма севооборота в целях эффективного и рационального использования земель в богарных зонах имеют важное значение.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических решений по использованию сельскохозяйственных угодий, в частности, организации земельной площади в большей части на неорошаемых землях и на богарных земельных участках. В этом направлении актуальным считается совершенствование методов эффективного использования каждого земельного участка с учетом существующих регионов расположения богарных зон, а также природных и экономических условий в них, рельефа и внешнего вида склона местности, создания геосистемных комплексов, которые позволят оптимизировать земельные угодья и культуры в соответствии с каждым регионом с помощью специальных проектов землеустройства, а также создание технологий, дающая возможность эффективно использовать богарные земли и повысить их плодородность. В связи с этим особое внимание уделяется исследованиям по оптимизации земельных угодий и культур, повышения их эффективности в проектах землеустройства, разрабатываемых для богарных зон.

В нашей республике реализуются широкомасштабные мероприятия по правильной организации использования богарных земель в сельском хозяйстве, по увеличению спроса населения страны на продовольственные товары и их отношения к эффективному использованию земель, культуре земледелия, в результате чего достигнуты определенные результаты. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены важные задачи. в частности: “.....модернизация и интенсивное развитие сельского хозяйства, дальнейшее укрепление продовольственной безопасности страны, расширение производства экологически чистой продукции, значительное повышение экспортного потенциала аграрного сектора”. При выполнении этих задач, в том числе посредством критического анализа и оценки существующих методов использования богарных земель в сельском хозяйстве, научные исследования по оптимизации земельных угодий и культур в богарных зонах, принятых к использованию, имеют важное значение.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, указанных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 17 июня 2019 года № УП-5742 «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве», от 10 октября 2017 года № ПП-5199 «Об организационных мерах по дальнейшему развитию деятельности фермерских, дехканских хозяйств и владельцев приусадебных земель», от 24 февраля 2021 года № ПП-5006 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы использования и охраны земель сельскохозяйственного назначения, а также в других нормативно-правовых актах, касающиеся данной деятельности.

